

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Дўстлик» ордени билан

Абдурахмонова Зиннатхон Ўринбоевна — Асака туманидаги «Asaka city tex» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Алимова Гавхар Зайировна — Каттакўрғон шаҳар ҳокими, Самарқанд вилояти
Алимова Муборакхон Шомуратовна — Шахрихон туманидаги «Қайноналар» жамоатчилик кенгаши раҳбари, Андижон вилояти

Аннамуратова Мухаббат Шермановна — Беруний туманидаги «Беруний агро пилласи» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Арутуянц Ирина Владимировна — Наманган шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби

Белик Голнур Усмановна — «Uzbekistan Airways» акциядорлик жамиятининг парвозлар хавфсизлиги ва маъмулотларини таҳлил қилиш бўйича мутахассиси

Бобоевона Феруза Файzieвна — Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси

Дементеенко Людмила Ивановна — Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг «Регионалгеология» давлат унитар корхонаси бош мутахассиси

Джuraева Гулчехра Садиқовна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Жумаева Светлана Петровна — Музработ туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Жураева Озода Абдурахимовна — Навоий шаҳридаги «Хумо Зилола бархаёт» профессионал бошқарув компанияси раҳбари, Навоий вилояти

Кўчкорова Лобар Ибодуллаевна — Янгиариқ туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактаби директори, Хоразм вилояти

Нурматова Мукарам Ахмедовна — Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш бошқармаси бошлиғи

Пайzieва Гузал Ревавна — Ўзбекистон давлат драма театри драма артисти

Рузаева Хуршеда Раджабовна — «Хунарманд» уюшмаси Бухоро тумани бўлими аъзоси, зардўз, Бухоро вилояти

Сатторова Мухаёхон Жияновна — Риштон туманидаги «MM Porcelain» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

Усмонова Наргиза Саидовна — Тошкент туманидаги «Bahoriy gullar» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

Халимова Мастура Урунбаевна — Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институтининг инновацион лойиҳа раҳбари

Хлебникова Тамара Владимировна — Чилонзор туманидаги 14-маданйити марказининг «Фахрия» хор жамоаси раҳбари, Тошкент шаҳри

Шамсиева Норбуви Солиевна — Жиззах шаҳридаги «Олмасор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти

Эргашева Дилором — «Машраб» нашриёти бош муҳаррири, Наманган вилояти

Юсупова Дилновоз Рахмоновна — Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ўзбек адабиёти тарихи ва фольклор кафедраси профессори

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Шодиева Раъно Одиловна — Ўзбекистон ёшлар иттифокининг Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази директори

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Бабаназарова Маърифат Турдиевна — Шўрчи туманидаги 13-мактабга таълим муассасаси мудири, Сурхондарё вилояти

Гладкова Татьяна Сергеевна — Самарқанд олимпия захиралари коллежининг енгил атлетика бўйича бош мурабийси, Самарқанд вилояти

Исмаиловна Зулфия — «Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармасининг Хонқа тумани таянч пункти директори, Хоразм вилояти

Кушаева Мавлуда Юсуповна — Пахтакор туманидаги 13-мактабга таълим муассасаси тарбиячиси, Жиззах вилояти

Муратова Тойгул Кучеровна — Мирзаобод туманидаги «Келажаги баркамол авлод болалари» оилавий болалар уйи раҳбари, Сирдарё вилояти

Носирова Муаззамхон Урмонбековна — Андижон шаҳридаги Болалар шаҳарчаси директори, Андижон вилояти

Обидова Шахло Валиевна — Китоб туманидаги 2-оилавий болалар уйи тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

Сайдуллаева Саида Ибадовна — «Бухорои Шариф» жамоат фонди бошқаруви раиси, Бухоро вилояти

Халикова Дилфуза Анваровна — Нурафшон шаҳридаги «Ширин меҳрим» оилавий болалар уйи раҳбари, Тошкент вилояти

Хамраева Зулфия Джавлановна — Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри директори

Хамроева Махфуза Исломовна — Навоий вилояти «Она ва бола скрининги» маркази директори

I даражали «Саломатлик» ордени билан

Таджибаева Юлдуз — Тиббиёт ҳодимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг онкология кафедраси профессори

II даражали «Саломатлик» ордени билан

Рахманкулова Наргиза Саттаровна — Республика махсус 2-Зангиота шифохонасининг 2-реанимация бўлими катта ҳамшираси

Юлдашева Мухаббат Равшановна — Қарши туманидаги «Trast Med Farm» хусусий корхонаси бошқарувчиси, Қашқадарё вилояти

Юлдашева Саида Анваровна — Тошкент шаҳридаги 1-болалар клиник шифохонасининг анестезиология ва реанимация бўлими мудири

«Соғлом турмуш» медали билан

Ахмадалиева Гулчехра Исматуллаевна — Наманган тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими катта ҳамшираси, Наманган вилояти

Жаксимуратова Айсултан Жумамбетовна — Қонликўл туманидаги 19-болалар musiқа ва санъат мактабининг қўшқичлик бўлими ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Курбанова Дилорамхон Ибрагимджон кизи — Андижон давлат тиббиёт институтининг фармакология, клиник фармакология ва тиббиёт биотехнологиялари кафедраси мудири

Милтиқбаева Насиба Кенесовна — Ромитан туманидаги «Қизил Равот» қишлоқ врачлик пункти мудири, Бухоро вилояти

Муминова Фируза Туракуловна — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

Сапарова Раъно Джангабаевна — Қораўзак тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими катта ҳамшираси, Қорақалпоғистон Республикаси

Сафарова Гулмира Каримовна — Иштихон туманидаги «Мохлар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

Содиқова Феруза Хакимовна — Фарғона шаҳридаги Аёллар спорт-соғломлаштириш маркази директори, Фарғона вилояти

Хамдамова Бахора Маратовна — Навоий вилояти гимнастика спорт турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби директори

Хасанова Айменли Хемраевна — Шароф Рашидов туманидаги ёғоч уйқорлиғи бўйича хунарманд, Жиззах вилояти

Юсупова Сабохат Рашидовна — Олтинсой тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадий гимнастика бўйича мурабийси, Сурхондарё вилояти

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Абдуразакова Санобар Эрминжоновна — Сирдарё вилояти божжона бошқармаси бўлим бошлиғи

Жамалова Баҳаргул Оралбаевна — Мўйноқ тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлигининг хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича биринчи ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

Жўрабекова Ойдин Дустовна — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сароисиб туманидаги Халқ қабулхонаси мудири, Сурхондарё вилояти

Имомова Дилором Неъматовна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

Мадаминова Феруза Вахидовна — Миробод тумани ҳокимининг ўринбосари — маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, Тошкент шаҳри

Мехмонова Дилором Дадажоновна — «Тадбиркор аёл» уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими раиси

Мирзаджанова Дилшода Мухтаровна — Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бошқармаси бошлиғи

Орзиева Мавлуда Абдиназаровна — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармасининг маънавий-маърифий ишлар бўлими катта психологи

Раджабова Шоира Нурматовна — Ангор тумани ҳокимининг ўринбосари — маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Суюнова Умида Хурозовна — Самарқанд шаҳридаги 59-қўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактабинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Турдалиева Дина Кенесовна — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

Турсунова Махмуда Ибрахимхаджаевна — Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Ўзбекистон» локомотив депоси техники, Тошкент вилояти

Умарова Ёкўтхон Хакимовна — Уйчи тумани прокуратураси катта нозири, Наманган вилояти

Усманова Дилшода Набиевна — Данғара туманидаги «Аюбхон текстиль» хусусий корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти
Хасанова Фирюза Марифовна — Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири

Хужаназарова Нодира Исомиддиновна — Хатирчи тумани давлат солиқ инспекциясининг бўлим катта инспектори, Навоий вилояти

«Келажак бунёдкори» медали билан

Абдуллаева Гўзал Равшан кизи — Ўзбекистон давлат мусикали комедия (оперетта) театри хор артисти

Бахронова Дурдона Салим кизи — Америка Қўшма Штатлари «Super dispatch» компаниясининг Тошкент шаҳридаги дастурчиси

Ни Кристина Александровна — Ўзбекистон давлат симфоник оркестри олий тоифали оркестр артисти

Нуриллаева Нурхон Ботир кизи — «Uzbekistan GTL» масъулияти чекланган жамиятининг марказий лабораторияси лаборанти, Қашқадарё вилояти

Палванова Севара Бахромова — «Дастурий махсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки» дирекциясининг стартап лойиҳалар менежери, Хоразм вилояти

Рахманкулова Гўзал Ахмат кизи — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Янгиҳаёт тумани бўлимининг «Иқбол» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси, Тошкент шаҳри

Холикова Турсуной Иброгим кизи — Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Касби тумани бўлимининг «Жизза» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси, Қашқадарё вилояти

«Шўхрат» медали билан

Абдуллаева Шахноза Кудратовна — Тошкент шаҳридаги «Shox Med Center» масъулияти чекланган жамияти бош директори

Абдураимова Нилуфар Ирисбоевна — Фаллаорол туманидаги «Сохибқирон дарвозаси» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

Абиджанова Феруза Абдуллаевна — Ўзбекистон Бадий академияси бош илмий котиби

Абилова Гулсин Баймановна — Косон туманидаги «Косон агропилла» масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Қашқадарё вилояти

Аманова Махфурат Эшмурадовна — Тошкент давлат аграр университетининг мева-сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси профессори

Артикова Ҳафиза Туймуродовна — Бухоро давлат университетининг агрономия ва биотехнология факультети декани, Бухоро вилояти

Ахмедова Джамиля Абдурахмановна — Учқўрғон тумани обodonлаштириш бошқармаси кўкаламзорлаштирувчиси, Наманган вилояти

Балтабаева Нурсулу Кошкинбаевна — Нукус шаҳридаги Президент мактабининг ижрочи директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Бегматова Наргиза Саибжон кизи — Ўзбекистон давлат симфоник оркестри олий тоифали оркестр артисти

Валлаева Дилафруз Рустамовна — Термиз туманидаги «Остона гиламчи» оилавий корхонаси раҳбари, Сурхондарё вилояти
Валтер Ирина Бурановна — «Ўзбек давлат цирки» давлат муассасаси етакчи сахна устаси

Ганиева Шахноза Маъмировна — Фарғона шаҳридаги «Ибратли бекам» ўқув маркази раҳбари, Фарғона вилояти

Давлетяроева Зулфия Жапаковна — Кўнғирот туманидаги «Диёр маркет Кунград» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Даулетназарова Рая Курбанбаевна — «Uz-Kor Gas Chemical» қўшма корхонасининг цех муҳандис-метрологи, Қорақалпоғистон Республикаси

Джуманиязова Феруза Джуманазаровна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти катта илмий ҳодими

Жўраева Замирахон Позиловна — Андижон шаҳридаги «OʻZ-Tong Hong kotrapa» қўшма корхонасининг тикув цехи катта устаси, Андижон вилояти

Зинтова Шахло Беккуловна — Нурота туманидаги «Нурота қорақўл наслчилик» масъулияти чекланган жамияти бош чўпони, Навоий вилояти

Исаева Гулбаҳор Тишабаевна — Термиз шаҳридаги «Комфорт Шерхон сервис» профессионал бошқарув компанияси раҳбари, Сурхондарё вилояти

Исамухамедова Гулнора Лутпуллаевна — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг инспектори

Ишанханова Нигора Насировна — Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ижтимоий суғурта бўлими мудири

Казиева Садокат Сарваровна — Тошкент шаҳридаги «Fastechnika» масъулияти чекланган жамиятининг дизайн бўлими бошлиғи

Камилова Хилола Акрамджановна — Фарғона вилояти бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси, бош отинойиси

Камолова Мухаррам Комил кизи — Жондор туманидаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Карабекова Бувсара Разаковна — Зарбдор туманидаги «Фидокор Фирдавс» фермер ҳўжалиғи бошлиғи, Жиззах вилояти

Қориева Раънохон Фахриддиновна — Уйчи туманидаги «Барногул-Зиё Файз» фермер ҳўжалиғи бошлиғи, Наманган вилояти

Левицкая Юлия Владимировна — Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиғи ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази илмий котиби

Мардонова Гулжаҳон Амоновна — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг илм-фан ва инновациялар бўлими мудири

Масалимова Найлля Мансуровна — Паркент туманидаги «Med Torg Invest» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

Матмуратова Мукаддас Каримовна — Гурлан тумани телекоммуникация боғламаси бошлиғи, Хоразм вилояти

Махкамова Нигора Мадаминжоновна — Сирдарё туманидаги «Peng Sheng Shoes» масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқарishi цехи бригада бошлиғи, Сирдарё вилояти

Мирзаева Гулшан Бахтиёровна — «Тадбиркор аёл» уюшмасининг Нуробод тумани бўлими раиси, Самарқанд вилояти

Насриддинова Нодирахон Абдугаппаровна — Андижон шаҳридаги «Palma Sitrus» оилавий корхонаси раҳбари, Андижон вилояти

Насридинова Махмуда Бахриддиновна — Наманган шаҳридаги «Чаманзор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

Олимова Рано Юлдашваевна — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «Ёшлик-1» кони дирекция етакчи муҳандиси, Тошкент вилояти

Омар-Мун Ясмина Халидовна — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусика санъати институти талабаси

Отамуратова Надира Камилжановна — «Хунарманд» уюшмасининг Урганч тумани бўлими аъзоси, зардўз, Хоразм вилояти

Розиева Хосият Аллаевна — Миришкор туманидаги кўзи оҳижлар кутубхонаси мудири, Қашқадарё вилояти

Султанова Дилобар Холмуродовна — Шахрисабз туманидаги «Муруват» ноғиронлиғи бўлган шахслар учун аёллар интернет уйи тозалик бекаси, Қашқадарё вилояти

Тешабоева Барнохон Хурбоевна — «Хунарманд» уюшмасининг Андижон вилояти бошқармаси аъзоси, сават тўқувчи

Турсунова Санобархон Эргашевна — Қўштепа туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Фарғона вилояти

Усмонова Дилноза Хамракуловна — Бобёут туманидаги «Гулистон лимон экспорт» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сирдарё вилояти

Файzieва Дилором Нуридиновна — Бухоро шаҳридаги «Файз қурилиш моллари» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Бухоро вилояти

Фармонова Нафиса Шукуровна — Ўзбек миллий маком санъати марказининг Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамбли артист-мақомчиси

Фозилова Гулнора Яшиновна — Сирдарё туманидаги «Temur Med Farm» масъулияти чекланган жамияти микробиолоғи, Сирдарё вилояти

Хабирова Дилшора Алимовна — Олмасор тумани бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси, бош отинойиси, Тошкент шаҳри

Хайитова Феруза Турдибаевна — Қуйи Чирчиқ туманидаги «Quyí Chirchiq Agro Biznes» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

Хакимова Сабина Муратовна — Тайлоқ туманидаги «Тоҳирбек сифат савдо» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Самарқанд вилояти

Хамдамова Дилафруз Баратуллаевна — Жиззах шаҳридаги Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактаби директори, Жиззах вилояти

Хашимова Мукаддасхон Адхамжановна — «Хунарманд» уюшмасининг Маргилон шаҳар бўлими аъзоси, дўппидўз, Фарғона вилояти

Холова Максуда Асатовна — Каттакўрғон туманидаги «Темур мусадфо қурилиш» масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси, Самарқанд вилояти

Худайкулова Фароғат Мусурмоновна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг адабий тарғибот ва тадбирларни уюштириш бўлими бошлиғи

Шарипова Гулнора Таджибаевна — Сергели тумани обodonлаштириш бошқармасининг санитар тозалаш бўлими бригада бошлиғи, Тошкент шаҳри

Эргашева Матлуба Кодировна — Поп туманидаги «Рарфен» ҳоржи

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

ЖАҲОН БОЗОРИДА
ТОВАР АЙИРБОШЛАШДАГИ
ТЕХНИК ТЎСИҚЛАР
КАНДАЙ БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган семинар ўтказилди.

Таъкидланганидек, маҳсулот, жараён, хизмат кўрсатиш масалаларида истеъмолчилар ва давлат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, савдода техник тўсиқларни бартараф этиш республика иқтисодиёти ривожининг устувор асосфалари ҳисобланади. Уни амалга оширишда ривожланган давлатлар тажрибаси — стандартларни ихтиёрийлик тусида қўллаш механизмидан фойдаланиш юқори самара берганлигини кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда амалда бўлган “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонунга асосан стандартларни ишлаб чиқишда манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлиб, уларни қабул қилишда бетарафлик ва ҳолислик таъминланишининг қўний асослари яратилмаган. Соҳадаги манфаатдор идораларнинг вазифалари ва ваколатлари тўлиқ очиб берилмаганлиги ҳамда стандартлаштириш бўйича техник қўмиталарнинг ваколатлари қўнунчилик билан тартибга солилмаганлиги сабабли стандартларни қабул қилишда консенсусга эришиш имкони мавжуд эмас.

Мазкур қонун лойиҳаси стандартларни ихтиёрийлик асосида қўллаш орқали маҳсулотлар (хизматлар) ва жараёнларнинг сифатини ошириш ҳамда уларнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш, стандартлаштириш соҳасидаги амалдаги қўнунчиликни илгор халқро тажриба ва мезонларга мос равишда уйғунлаштириш ҳамда ушбу соҳада қўлланилаётган тушунчаларни халқро даражада топ олинган тушунчалар билан мувофиқ-

лаштириш имконини беради.

Шу билан бирга, лойиҳада стандартлаштириш соҳасида манфаатдор томонларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаштириш, жаҳон бозорида товар айирбошлашдаги техник тўсиқларни бартараф этиш, илмий-техник тарақиёт жараёнига кўмаклашиш ва стандартлаштириш соҳаларида ҳамкорлик қилиш ҳамда стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда давлат аралашувини камайтириш назарда тутилмоқда.

Тадбир иштирокчиларининг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ва уни амалга ошириш натижасида стандартлаштириш тизими халқро амалиёт билан уйғунлаштирилади, маҳсулотлар (хизматлар) ва жараёнларнинг сифати, уларнинг ташқи бозорда рақобатбардошлиги ошади. Шунингдек, стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда халқро стандартларни амалга киритиш соҳасида техник қўмиталар фаолияти тўдбан такомиллаштирилади, саноатга инновацион технологияларни жадал киритиш ва маҳсулот ҳамда хизматлар сифати ошишига эришилади.

Семинарда маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилишда юзага келиши мумкин бўлган техник тўсиқларни бартараф этиш, республика экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозориди ўз ўрнини топишига қаратилган таклифлар берилди.

Тадбирда қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

БОШ МАҚСАД – МЕҲРИБОНЛИК
БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ



Ўрганиш жараёнида қатор ҳужжатлар билан тасдиқланган 2019 — 2023 йилларда Меҳрибонлик уйлари

ноинсти- туционаллаштириш дастури ижроси доирасида олиб борилган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Аввало айтиш керакки, Меҳрибонлик уйлари ва интернет шаклида бошқа жойлаштириш муассасаларини ноинституционаллаштириш юзасидан юртимизда қатор ишлар олиб борилмоқда.

Масалан, республика миқёсида Меҳрибонлик болалар муассасаларидан охириги 6 ойда жами 1 минг 359 тарбияланувчи чиқарилган, шундан 134 таси ота-онасига қайтарилган, 141 нафари яқин қариндошларига васийликка, 71 нафари бошқа шахсларга васийликка, 83 нафари патронатга, 656 нафари Оилавий болалар уйларига жойлаштирилган, 274 нафари ўқш ва ишга йўналтирилган.

Яна бир маълумот: ҳозиргача 15 та муассаса, яъни 10 та Меҳрибонлик уйи, 3 та Болалар шахарчаси ва 2 та Ғўдаклар уйи фаолияти тўхтатилган. Шу жумладан, Навоий ва Сурхондарё вилоятларидаги Меҳрибонлик уйлари ёпилган. Айни пайтда юртимизда 8 та Меҳрибонлик уйи қолган бўлиб, уларда 707 нафар бола тарбияланмоқда. Ёпилган ушбу муассасалар ўрнига 114 та Оилавий болалар уйи фаолият олиб бормоқда.

Васийлик ва ҳомийликда ҳисобда турган етим ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларнинг онлайн ижтимоий ҳимоя ягона реестри, яъни m.maktab.uz маълумотлар базаси шакллантирилган. Болаларни оилага тарбияга олиш истиғини билдирган фуқаролар рўйхати ҳам ушбу базига киритиб боришмоқда.

Хабарингиз бор, тегишли қарор билан республика бўйича етим ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 757 нафар болани уй-жой билан таъминлаш вазифаси белгиланган бўлиб, амалда уй-жойга муҳтож етим болалар рўйхати қайта қўриб чиқил-

ган ва улар сони 775 нафарга етказилган. Жумладан, биз ўрганган Навоий вилоятида 92 нафар, Сурхондарёда 13 ҳамда Тошкент вилоятида 100 нафар болага уй-жой ажратилган. Фақат Янгйўл туманида 24 нафар болага янги қурилатган тураржойлардан ажратилиши кўзда тутилгани боис улар ўз уйига ҳамон эгалик қилаётгани йўқ.

Миллий гвардия ва Халқ таълими вазирлиги томонидан Ўзбекистон таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига тақдим этилган рўйхатга мувофиқ, Меҳрибонлик уйларидаги битирувчилари, васийликка, ҳомийликка ва оила тарбиясига олинган болалар (жами 267 нафар) 2021/2022 ўқув йили ҳисобидан олий таълим муассасаларига қўшимча квота бўйича ўқишга қабул қилинган.

Булларнинг ҳаммаси яхши. Аммо ўрганишлар давомида жойларда ҳал қилиниши зарур бўлган қатор муаммолар мавжудлиги ҳам аниқланди. Энг аввало, боланинг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлишига олиб келаётган сабаблар билан эмас, унинг оқибатлари билан курашаётганлигимизни айтиб ўтиш зарур. Масалан, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасида ота-она олти ойдан ортиқ муддатга яшаб жойидан бошқа жойга кетаётганда боласига васий ёки ҳомий тайинланиши белгиланган. Афсуски, амалиётда хорижга йиллаб ишлаш учун кетаётган ота-оналар вояга етмаган фарзандларига на васий ва на ҳомий бириктирипти. Натижада бундай оилалар фарзандлари охир-оқибат Меҳрибонлик уйига келиб қолмоқда.

Яна бир муаммо шундаки, Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган 707 нафар боланинг 142 таси чин етим, қолганларининг ота-оналари ёки яқин қариндошлари бор. Бу эса ушбу йўналишда ҳам кўп ишлашимиз кераклигини билдиради.

Давлат раҳбарининг “Бола ҳуқуқларининг қафолатларини таъминлаш тизимини янада такомил-

лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) комиссиялари ҳар чоракда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар, туманлар (шаҳарлар) Кенгашларига ахборот тақдим этиши белгиланган. Афсуски, ўрганишлар жараёнида аксар туман ва шаҳарларда

ган вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятлари ва шўьбалари фаолиятларини тартибга солувчи низомлани тасдиқлаш вазифаси бажарилмаган. Хусусан, Тошкент вилояти туман ва шаҳарларининг бирортаси бизга низоми тақдим қила олмади. Масъуллардан сўрасак, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун юборилганини рўқач қилди, ҳолос.

Хукумат қарориди белгиланган

Ҳозиргача 15 та муассаса, яъни 10 та Меҳрибонлик уйи, 3 та Болалар шахарчаси ва 2 та Ғўдаклар уйи фаолияти тўхтатилган. Шу жумладан, Навоий ва Сурхондарё вилоятларидаги Меҳрибонлик уйлари ёпилган. Айни пайтда юртимизда 8 та Меҳрибонлик уйи қолган бўлиб, уларда 707 нафар бола тарбияланмоқда. Ёпилган ушбу муассасалар ўрнига 114 та Оилавий болалар уйи фаолият олиб бормоқда.

маҳаллий Кенгашларга бундай ахборотлар тақдим этилмагани маълум бўлди.

Сурхондарё ва Навоий вилоятларида Меҳрибонлик уйлари фаолияти тугатилган. Аммо Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болаларни оилалар бағрига қайтариш юзасидан олиб борилаётган ишлар қонқарсиз аҳволда. Бу ерда тарбияланаётган болалар билан суҳбатлашганимизда уларда оилада яшашдан қўқув борлигига гувоҳ бўлдик. Бу Меҳрибонлик уйи раҳбарияти, педагог ва психологлари оилада тарбияланишининг афзалликлари бўйича етарлича тарғибот ишларини олиб бормаганилини кўрсатади.

Тошкент вилояти билан боғлиқ яна бир масала. Янгйўл туманидаги Оилавий болалар уйи тарбияланувчиларига қишки кийим учун ажратилган маблағ вақтида етказиб берилмаган.

Шу билан бирга, юқориди номи келтирилган Фармонда белгилан-

2022 йил 1 февралга қадар етим ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни “меҳр дастари”га киритиш ахборот тизимини жорий этиш, бу рўйхатдагиларга оид маълумотларни “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали аниқлашнинг йўлга қўйиш вазифаси ҳам бажарилмаган.

Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида етим ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ажратилган ўша масаласига келсак, уйлар ажратилган, лекин Навоий ва Тошкент вилоятларида

Умуман, юртимизда етим ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилалар бағрига қайтариш бўйича дадил қадамлар ташланди. Эндиги вазифа эса бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни сифат босқичига кўтаришдан иборат. Барча тегишли ташкилотлар, кенг жамоатчилик биргалликда ҳаракат қилсак, албатта, натижалар янада салмоқли бўлади, яъни ҳар бир бола “оила” деб аталган муътабар масканда яшаш имконига эга бўлади. Зеро, ҳар бир бола ўзимизнинг фарзандимиз, улар ҳам Меҳрибонлик уйларида эмас, оилалар бағрида камолга етишга ҳақли.

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.

АЧЧИҚ, аммо очиқ гаплар

Навоий вилоятида ҳозирда 12 та боғдорчилик ва узумчилик ширкати ҳамда дала-ҳовлилари жамиятлари фаолият кўрсатади. Дала-ҳовлиларнинг умумий сони етти мингга яқинни ташкил этиб, уларда қарийб 25 минг нафар аҳоли муқим истиқомат қилади.

Муаммонинг асл илдизи

Шулардан бири — “Ҳосил” дала-ҳовлилари жамиятига 1973 йилда асос солинган. Жамиятга ўша кезлар 100 гектардан кўпроқ ер ажратилиб, 23 кўчада 1,6 минг аъзога олти сотихдан дала-ҳовли учун бўлиб берилган.

Утган асрнинг ниҳоясида ушбу дала-ҳовлилар соҳибларининг ўз тарихий ватанига қўчиб кетишлари сабаб ёлпасига сотилди. Ўша пайтдаги низомига кўра, улар аслида ўз дала-ҳовлисини таъсисчи қорхона (НКМК)га топшириб кетиши лозим эди. Бироқ бу пайтда таъсисчилар бўйнидаги ортиқча даҳмазадан ҳалос бўлиш, маҳаллий ҳокимият эса уни қайси мақомда қабул қилиш, қандай муносабатда бўлиш борасида бирор қарорга келмаганди. Фақатгина 2006 йилга келиб Навоий шаҳар ҳокимининг 21 августдаги қарори билан “Ҳосил” боғдорчилик ширкати “Ҳосил” МЧЖга айлантирилиб, таъсис ҳужжатлари рўйхатдан ўтказилди. 2011 йилда эса Навоий вилояти адлия бошқармасининг 8 июндаги тақдимномасига асосан шаҳар ҳокимининг ушбу қарори бекор қилиниб, “Ҳосил” МЧЖ ўрнида “Ҳосил” боғдорчилик-узумчилик ширкати қайта тикланди. Бунга қадар ва шу вақт оралиғида дала-ҳовлиларнинг олди-сотди жараёнлари ширкат ва жамиятнинг ўзида расмийлаштирилиб, уй-жой ёки яқна тартибда уй қуриш учун ерга муҳтожлар имкониятдан фойдаланиб қоллишди. Улар орасида ўтган асрнинг 80-йилларида қишлоқ ҳудудларидан шаҳар меҳнат бозорига кириб келган ёшлар, ёш оилалар кўпчилигини ташкил этиб, ётоқхона ва ижара хонадорларда истиқомат қилаётганлар ҳам бор эди.

— Шаҳарда кўп қаватли уйда икки хонали хонадонда ижарада яшардик, — дейди бундан 24 йил муқаддам дала-ҳовли сотиб олган Рамазон Ҳайдаров. — Ўғлимни уйлантириб, келин туширгач, шу ховлини олдик-да, тўрт бола ва турмуш ўртоғим билан қўчиб ўтдик. Тўғрисиини айтганда, энди бизнинг қайтиб борадиган уйимиз ҳам йўқ.

Бугун “Ҳосил”да истиқомат қилаётганларнинг аксарияти шу тахилт ўз бошпанаси ва ўз мулкига эга бўлишган. Бошқачароқ айтсак, эл тилидаги “дача” аҳоли пунктига айланиб, эгалари ўз дидига мослаб иморатлар тиклаган. Афсуски, “Мен сендан камманми?” дея ер қўшиб олиш натижасида кўчалар тобора торайиб кетди...

Ташвишлар бир хил, мақом ўзга

Табир жоиз бўлса, бугун “Ҳосил” боғдорчилик-узумчилик ширкати каттагина

бир қишлоққа тенг. Худудда 10 мингга яқин аҳоли, жумладан, 670 нафар мактаб, 870 нафар боғча ёшидаги бола (уларнинг 680 нафари МТГга қамраб олинмаган) истиқомат қилади. Аҳолининг бандлик, ёшлар масалалари, маънавий муҳит, инфратизим борасидаги муаммолари ҳам ҳеч бир қишлоқниқидан қолишмайди. Фарқи шундаки, мазкур ҳудуд Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 мартдаги “Боғдорчилик-узумчилик ширкатлари тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори асосида аҳоли тураржойи сифатидаги мақомга эга эмас.

Маҳалла ёки қишлоқда инфратизимни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, саломатлигини муҳофаза қилиш, ёшларнинг таълим-тарбиясини таъминлаш, спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароит яратиш, дам олиш масканлари қуриш, ҳудудларни ободонлаштириш каби бир қатор юмушларни амалга ошириш талаб этилади. Бу ишлар бажарилмаса, аҳоли эътироз билдириши, юқори идораларга мурожаат қилишга ҳақли. Бизнинг кузатаётганимиз — дала-ҳовлилар ширкати низомида юқориди санаб ўтилган қўлайлик ва шароитларнинг бирортаси тилга олинмаган. Шу боис ҳам мазкур ҳудуднинг ижтимоий муаммолари, инфратизим масалаларини маҳаллий ҳокимият бирор-бир дастурга қўша олмайдди.

“Ҳосил”да яшаётган аҳолини, шаҳар ҳокимлигини ташвишга солаётган муаммо ҳам шу аслида.

— Шунга қарамайдан, имкон қадар муаммоларни ечишга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди Навоий шаҳар ҳокими ўринбосари Бобир Қодиров. — Яқинда тўртта кўчага шағал қоплама ётқиздик (ҳудуддаги 57 километрлик ички йўлларнинг 12 километригина асфальт қилинган).

— Шаҳарда кўп қаватли уйда икки хонали хонадонда ижарада яшардик, — дейди бундан 24 йил муқаддам дала-ҳовли сотиб олган Рамазон Ҳайдаров. — Ўғлимни уйлантириб, келин туширгач, шу ховлини олдик-да, тўрт бола ва турмуш ўртоғим билан қўчиб ўтдик. Тўғрисиини айтганда, энди бизнинг қайтиб борадиган уйимиз ҳам йўқ.

Электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва оқова суви масалаларида муаммо йўқ, бироқ аҳолининг ижтимоий ҳимояси масаласида муаммоларга дуч келамиз. Масалан, Навбахорда доимий рўйхатда туриб, мазкур ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг бор шахсга ҳаракатланиш аравачаси ёки хатирчилик шундай фуқарога моддий ёрдам, даволашни учун маблағ зарур. Айрим дала-ҳовлиларда уч-тўрт

оила бўлиб истиқомат қилаётганлар яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида ссуда сўраб мурожаат этишади. Хуллас, бир қишлоқнинг қандай муаммоси бўлса, бу ерда ҳам шундай муаммолар.

Сирасини айтганда, қўлдан келганча ёрдам кўрсатаймиз, лекин барча мурожаатни қаноатлантиришга меъёрий ҳужжатлар изн бермайди.

Икки хил қараш, битта хулоса

“Ҳосил” боғдорчилик-узумчилик ширкати шаҳарнинг ҳоқ марказидаги ҳудуд. “Модомики, аҳоли истиқомат қилиб, ту-



раржойга айлантирилса, фуқаролар доимий яшаш манзилида рўйхатдан ўтказилса, ҳудуд обод масканга айлантирилса, бўлмайdimи?” деган савол тўғрилиш табиий.

“Ҳосил”ликлар шу мақсадда мурожаат

бошқа инфратузилма) объектлари мавжуд эмаслиги, биноларнинг аксарияти хом гишт ва пахсадан қурилганлиги ва бошқа талаб ҳамда меъёрларга жавоб бермаслигини инобат олиб, мазкур ҳудуддаги дала-ҳовли тоифасини доимий тураржой тоифасига ўзгартириш Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси “Марказий Ўзбекистон” геологик тасвирлаш экспедицияси давлат қорхонаси, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа тегишли вазирлик ҳамда идораларнинг ҳулосасига кўра ҳудудни доимий тураржой тоифасига айлантириш мумкин эмаслиги тўғрисида тегишли қарорга келингани таъкидланди. Мазкур ҳулосалардан сўнг, мураккаб бўлса-да, аҳолини бу ердан қўчириш мақсади мувофиқ, деб топишган эди.

— Албатта, 1 минг 600 хонадонни қўчиришнинг ўзи бўлмайди, — дея давом этади Б. Қодиров. — Қолаверса, ширкатдаги уйларнинг 694 таси (43 фоизи) санитар ҳимоя зонасида бўлса, қолганлари (906 таси) ушбу ҳудуддан ташқарида. Бу “Ҳосил”да истиқомат қилаётганларнинг ўзида масалага икки хил ёндашувни юзага келтирган. Бир гуруҳ одамлар қандай яшаган бўлсак, шундай яшайверамиз, дейишса, иккинчи тоифадагилар қўчишни маъқул кўрмоқда. Қўчаларни шаҳарсозлик меъёрларига келтириш масаласида ҳам шундай. Аксарият аҳоли ўзбошимчалик билан кўчадан ер қўшиб олган. Ёгин

ларининг ҳулосаси бўйича туман (шаҳар) ҳокими томонидан тураржой тоифасига ўтказилиши мумкинлиги, ҳукумат қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва тураржойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги низомининг 7-бандига кўра, боғдорчилик ва бошқа ер участкаларида жойлашган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 9-моддасида назарда тутилган талабларга жавоб берадиган иморатларга эга бўлган шахслар ушбу иморатларни уй сифатида расмийлаштириши ва уларни уй-жой фондига киритиши талаб қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Бироқ афсуски, тавсия ва маслаҳат характеридидаги бу ҳужжатлар билан мутасаддилар “Ҳосил”ликлар фойдасига бирор-бир қарорга келиши мумкин. Боиси, таъкидланганидек, “Ҳосил” жойлашган ҳудуд санитар ҳимоя зонаси этиб белгиланган ва ўз “яшил қалқони” билан ша-

ларининг ҳулосаси бўйича туман (шаҳар) ҳокими томонидан тураржой тоифасига ўтказилиши мумкинлиги, ҳукумат қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва тураржойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги низомининг 7-бандига кўра, боғдорчилик ва бошқа ер участкаларида жойлашган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 9-моддасида назарда тутилган талабларга жавоб берадиган иморатларга эга бўлган шахслар ушбу иморатларни уй сифатида расмийлаштириши ва уларни уй-жой фондига киритиши талаб қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Бироқ афсуски, тавсия ва маслаҳат характеридидаги бу ҳужжатлар билан мутасаддилар “Ҳосил”ликлар фойдасига бирор-бир қарорга келиши мумкин. Боиси, таъкидланганидек, “Ҳосил” жойлашган ҳудуд санитар ҳимоя зонаси этиб белгиланган ва ўз “яшил қалқони” билан ша-

уларни тўлиқ жиҳозлаш масаласи очиқ қолмоқда. Айниқса, Навоий шаҳридан ажратилган аксар уйлар таъмир ва жиҳозлашга муҳтож.

Шу ўринда жойларда таъкит қилинаётган Оилавий болалар уйлари ҳақида тўхталмоқчимиз. Албатта, бу тизим Меҳрибонлик уйларидадан афзал. Лекин Оилавий болалар уйлари унга яқин болалар берилмаётгани, қолаверса, оилаларнинг ўзлариди ҳам 2-3 нафардан болалар борлигини инобатга олсак, бу борадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қайтадан қўриб чиқиш зарурга ўхшайди.

Етим ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турли шаклларда асраб олишни истаган ота-оналарни тайёрлов кўрсурларида ўқитиш масаласи ҳам гоят муҳим. Чўнки ҳаёт зарбасига учраган болани олиб, уни тарбиялаш осон эмас. Халқро тажрибада, масалан, Буюк Британия, Россия ва бошқа мамлакатларда тутилган ота-оналарни тайёрлаш кўрсурлари турли катта ёки кичик нодавлат таълим ташкилотларида, “Ижтимоий хизматлар”да, давлат ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни “меҳр дастари”га киритиш ахборот тизимини жорий этиш, бу рўйхатдагиларга оид маълумотларни “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали аниқлашнинг йўлга қўйиш вазифаси ҳам бажарилмаган.

Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида етим ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ажратилган ўша масаласига келсак, уйлар ажратилган, лекин Навоий ва Тошкент вилоятларида

Умуман, юртимизда етим ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилалар бағрига қайтариш бўйича дадил қадамлар ташланди. Эндиги вазифа эса бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни сифат босқичига кўтаришдан иборат. Барча тегишли ташкилотлар, кенг жамоатчилик биргалликда ҳаракат қилсак, албатта, натижалар янада салмоқли бўлади, яъни ҳар бир бола “оила” деб аталган муътабар масканда яшаш имконига эга бўлади. Зеро, ҳар бир бола ўзимизнинг фарзандимиз, улар ҳам Меҳрибонлик уйларида эмас, оилалар бағрида камолга етишга ҳақли.

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.

ЎХШАШ ТАҚДИРЛАР

Вилоятдаги йирик боғдорчилик-узумчилик ширкатларидан яна бири — “Восход”да эса 723 та ховли мавжуд. Уларда 2,8 мингдан ортиқ кишилар истиқомат қилади. Уларнинг 296 нафарини вояга етмаганлар, 183 нафарини нафақадаги меҳнат фахрийлари, 308 нафарини эса ишсизлар ташкил этади.

Мазкур ширкат ҳам биз юқориди таъкидлаган жараёнларни бошдан кечириб, аҳоли юзага келган муаммолардан азият чекмоқда. Айниқса, “Восход”ликларнинг “газ босими паст” деб қилаверган хархашасига жавобан, мутасаддилар “Дала-ҳовлилар тураржойи эмас, биноларин, уларни табиий газ билан таъминлаш назарда тутилмаган”, деган ваз бир 2016 йилда тармокдан узиб қўя қоллишган аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Вохоланки, аҳоли бу тармокни барпо этиш учун пул йиғиб, қувур ва газ тақсимлаш мосламалари сотиб олишган, уларни пайвандлаш ва ўрнатиш ишларини амалга оширишган эди. Аммо муқобил сифатида ширкатни су-юлтирилган газ билан таъминлаш йўлга қўйилган (демак, дала-ҳовлиларнинг газ таъминоти ҳам назарда тутилган). Қолаверса, ширкатнинг ёнгинасидаги молхона ва товуххонага газ берилган. Айни ҳолат эса ширкат аҳолисида уларга нисбатан адолатсизлик қилинаётгандек, фикр уйғотаётгани бор гап.

Албатта, бу фуқароларнинг мурожаатларини рад этган мутасаддилар ҳам амалдаги меъёрларга риоя этишган. Улар фуқаролар таъкидлаётганидек, чўрт кесиб эмас, ётиги билан тушунтирганликлари ҳам эҳтиломдан холи эмас.

ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШДА КАТТА САМАРА БЕРАЁТГАН ЯНГИ ТИЗИМ

Халқимиз биздан рози бўлишини хоҳласак...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 1 март кунни хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими ҳамда уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борадаги навбатдаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

— Бугунги фаровон ҳаётимиз ҳам, ёруғ келажагимиз ҳам аёлларга боғлиқ. Агар халқимиз биздан рози бўлишини хоҳласак, аввало, муътабар оналаримиз, опасингилларимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратишимиз керак. Она рози бўлса, оила рози бўлади, оила рози бўлса, жамият рози бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу онда бу “дафтар” орқали қанчадан-қанча олис ҳудудларда ўз ташвиш-ўйларига ўралашиб, дардини айтолмай юрган аёллар кўз ўнгимизда гавдаланади. Боқувчисини йўқотиб, жўжабирдай жон бўлган болаларининг кўзига термилиб, ғойибдан умидвор турган оналар, узоқ мундад чет элда бўлиб, сарсону саргардонлик кўчаларида қолиб, қийинчиликларнинг чегарасидан ўтолмай, не-не машаққатлар билан юртимизга келиб, қай ишга бош сўқилишни билмай турган аёллар жонланади ҳаёлимизда. Одам савдоси қурбони бўлган, оилавий зўравонликлардан эзилган опа-сингилларимиз ёдга тушади. Ажрим ёқасига келиб қолган, бола-сига “Сен энди етим бўлиб қолдинг”, дегилмай турган опа-сингилларимизнинг нигоҳлари кўз ўнгимизда намоён бўлади. Санайверсак, саноғи кўп бундай муаммолар бугунги кунда юртимизда изчил ҳал қилинмоқда. “Аёллар дафтари” бу борада муҳим аҳамият касб этаётир.

Ўзбекистон касбаба уюшмалари Федерацияси томонидан тегишли вазирлик ва ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда бугунги кунга қадар “аёллар дафтари”нинг мавжуд 9 та тоифаси бўйича рўйхатга олинган хотин-қизларга ҳар томонлама ёрдам берилган. Жумладан, 900 мингга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик кўмак кўрсатилган.

Натижада минглаб ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз аёллар доимий даромад манбаига эга бўлди, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бор ва ўзгалар парваришига муҳтож хотин-қизлар моддий ёрдам олди. Уй-жойини таъмирлашга муҳтож 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизларга кўмаклашилди. Қўллаб аёлларнинг ижара компенсацияси тўлаб берилди, имтиёзли арзон уй-жойлар олишларига ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, қарамоғида ногиронлиги



бўлган боласи мавжуд ёлғиз аёлларга “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобидан моддий ёрдамлар ажратилган. Эҳтиёжманд хотин-қизларга тиббий хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилган.

Ҳозирги кунда эса “аёллар дафтари” билан ишлаш тизимининг 3-босқичи бошланди. Мазкур босқични ташкил этиш бўйича тегишли вазирлик ва ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда жорий йилда ҳам қатор ишлар амалга оширилиши белгиланган.

“Аёллар дафтари”нинг учинчи босқичида кимлар дафтарга киритилмайди? Мазкур босқичда, аввало, аёлларнинг муаммолари қайтадан ўрганилади. Бунда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлардан ҳеч бири четда қолиб кетмаслигига алоҳида эътибор берилади. “Темир дафтар”га киритилган оилалардаги хотин-қизлар ва фарзанди “ёшлар дафтари”га киритилган аёллар, 1 ва 2-босқичларда 1-тоифа бўйича рўйхатга олинган ҳамда доимий иш ўрни билан таъминланган ёки тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган хотин-қизлар “аёллар дафтари”га киритилмайди.

“Аёллар дафтари” билан ишлаш тизими бўйича мавжуд қонунчилик ҳужжатларига муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, ҳуқуқий, тиббий ва психологик ёрдамлар “аёллар дафтари”нинг қайси тоифасига киритилишидан қатъи назар, барча хотин-қизларга кўрсатилади. Опа-сингилларнинг эҳтиёжмандлик даражаси, яъни рўйхатга олиниши тоифалари сони ўзаро мувофиқлаштирилиши натижасида олдинги 9 тадан 6 тага камайтирилди. Нозик ҳилқат эгаларининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар бўйича Ўзбекистоннинг халқаро индекслардаги ўрнини янада яхшилаш мақсадида “аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган ҳуқуқий-норматив ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

“Аёллар дафтари”нинг учинчи босқичи рўйхатига киритиладиган эҳтиёжманд хотин-қизлар рўйхатини шакллантириш ишлари шу йилнинг 10 февралига яқунланди.

Бу олижаноб ишлардан қўзланган мақсад аниқ — аёлларни рози қилиш, фаровонлигини ошириш. Аёл ҳаётдан рози бўлса, жамиятда файз, оилада хотиржамлик ҳукм суради. Зотан, ўз меҳнатидан манфаат, интилиш ва изланишларида рағбат ва эътибор борлигига ишонган хотин-қизлар шижоати жуда кўп эзгу ишларга қодир.

Давлат бош ислохотчи сифатида

Давлат бош ислохотчи сифатида бунинг учун зарур ҳуқуқий асослар яратиб, муҳим чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Кейинги беш йилда бу борада қатор қонунлар, Президентнинг Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Биринчи марта Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилди. Шашти баланд, ташаббускор ва етакчилик қобилияти бор аёллар масъулиятли лавозимларга жалб қилинмоқда. Бугунги кунда 1 минг 400 га яқин аёллар республика ва вилоятлар, 43 мингдан зиёди эса туман ва шаҳар-

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, кўмак бериш орқали ҳаётини ўнглаш ва муаммоларини тизимли ҳал этиш мақсадида жорий қилинган иш дафтаридан бири — “аёллар дафтари” бўйича фаолият олиб боришга жойлардаги сектор раҳбарлари, масъул ташкилотлар, вазирликлар бўлимлари, депутатлар, банклар, Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томоққа ер эгалари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, тиббиёт муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари жавобгар ҳисобланади. Бир неча босқичдан иборат белгиланган чора-тадбирлар хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишларини уйма-уй юриб ўрганишдан тортиб, амалга оширилган ишларни мониторинг қилиш, охири-оқибат мазкур “дафтар”га киритилган опа-сингилларни даромадли юмушга эга бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топгач, рўйхатдан чиқаришгача бўлган барча жараёни қамраб олади. Бу тизим ҳар томонлама чуқур ўйланган. Ҳар қайси вазифанинг ўз эгаси, қоридаси, натижаси бўлиши учун маблағи тайин қилинган.



Суратлар “Халқ сўзи” фотожамламасидан олинди.

лар даражасидаги раҳбарлик лавозимларида ишламоқда.

Жорий этилган энгилликларга мувофиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож 950 нафар киз олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди. Умуман, талабаларнинг 48 фоизи хотин-қизлардан иборат. Қанчадан-қанча аёллар уй-жойли, ишли бўлди. Кредит олиб тадбиркорлик қилаётганлар ҳам кам эмас. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Бу энди аёлларга тегишли барча муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетаверди, дегани эмас. Аксинча, олдинда ўта жиддий ва мураккаб вазифалар турибди. Бу борадаги амалий сай-ҳаракатларни янада кучайтириш зарур.

Президентимиз ташаббуси билан

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиса Мурожаатномасида Республика хотин-қизлар жамоатчиликлари кенгашини ташкил этиш тақлифини билдирган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигида ушбу кенгаш тузилди. Энди мазкур жамоатчилик кенгаши хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, билим ва касбий кўникмалар эгаллаб, муносиб иш топишларига кўмаклашиш, саломатлигини сақлаш, уй-жой масалаларини ҳал этиш борасида тизимли иш олиб бормоқда.

Тадбиркор бўлиш истагини билдирган “аёллар дафтари”даги минглаб хотин-қиз бизнес ва меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқити-

лаётгани эътиборга молик. Бу борада нодавлат ташкилотлар опа-сингилларимизга энг яқин кўмакчи бўлиб келаётганини ҳисобга олинган ҳолда, бундай муассасаларга жой ажратилиб, грантлар берилмоқда. Олий маълумотли бўлишни истаган, қобилияти, билими бор, лекин тақдир тақозоси билан орзусига эриша олмаган хотин-қизларни рағбатлантириш

дан бошлаб магистратурада ўқиётган кизларнинг контракт пуллари бюджетдан тўлиқ қоплаб берилади. Шунингдек, эҳтиёжманд оила вакиллари, ота ёки онасини йўқотган талаба кизларнинг таълим контрактни маҳаллий бюджетдан тўланади.

Жамиятимизда олима аёллар улушини сезиларли ошириш учун докторантура

“Давлат бош ислохотчи сифатида бунинг учун зарур ҳуқуқий асослар яратиб, муҳим чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Кейинги беш йилда бу борада қатор қонунлар, Президентнинг Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Биринчи марта Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилди. Шашти баланд, ташаббускор ва етакчилик қобилияти бор аёллар масъулиятли лавозимларга жалб қилинмоқда. Бугунги кунда 1 минг 400 га яқин аёллар республика ва вилоятлар, 43 мингдан зиёди эса туман ва шаҳарлар даражасидаги раҳбарлик лавозимларида ишламоқда.”

тизими жорий қилинган. Яъни ота-онасининг биридан айрилган муҳтож кизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларнинг шартнома тўлови ҳокимлик ва олий ўқув юрти ҳисобидан қоплаб берилаяпти.

Олий таълим олмоқчи бўлган хотин-қизлар учун катта имкониятлар

Президентимиз раислигида ўтказилган йиғилишда ҳам нозик ҳилқат эгалари учун таълим шартноларини кенгайтириш бўйича тарихий қарорлар қабул қилинди. Жумладан, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш дастури ишлаб чиқилади. Дастур доирасида пойтахтимизда, асосан, хотин-қизларни ўқитиш учун давлат-хусусий шериклик асосида тўқимачилик соҳасида алоҳида университет ташкил этилади. Пахта-тўқимачилик ва пиллачилик кластерлари иш-тироқида жойларда университетнинг техникумлари ҳам очилади.

Янги ўқув йилидан бошлаб таълим контрактларини тўлаш учун қизларга илк мартаба 7 йил муддатга фойзсиз кредит бериш жорий қилинади. Бунинг учун жорий йилда банкларга 1 триллион 800 миллиард сўм, келгуси беш йилда 8 триллион сўм маблағ ажратилади.

Яна бир янгилик: келгуси ўқув йили-

Қисқача айтганда, бу тизим замирида ҳам муҳим жиҳат: натижага ишлашдек ҳаётий мезон муқоссама. Натижа нимадан иборат? Юртимиз хотин-қизларига бахт улашиш, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай қадр топиб, ислохотлардан мамнулик туйғуси билан яшашларига рағбатдир.

Дилфуза РАҲИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси Менежмент назарияси ва амалиёти
кафедраси мудири, иқтисодий фанлари доктори,
профессор.

Реклама ҳуқуқи асосида

“Микрокредитбанк” АТБ жамоаси юртимиз аёлларини баҳор байрами — 8 март

Халқаро хотин-қизлар кунин билан самимий табриклайди!

Сизга муҳаббат, гўзаллик ва бахт тилайди. Баҳорий кайфият ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ (1-лот) ва Шуманай (2-лот) туманларида ҳамда Наманган вилоятининг Чуст (1-лот), Косонсой (2-лот) ва Поп (3-лот) туманларида маиший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, саралаш ва қайта ишлаш хизматларини давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш лойиҳалари юзасидан бир босқичли тендер бошланганлигини эълон қилади.

Тендерда иштирок этиш учун аризалар, дастлабки малакани баҳолаш ҳужжатлари ҳамда техникавий ва тижорий (молиявий) тақлифларни ёпиқ конвертда, муҳрланган, лойиҳа номи кўрсатилган ва Маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи бўйича тендер қолибини аниқлаш учун тендер комиссиясига деб ёзилган ҳолатда, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига, шунингдек, Давлат-хусусий шериклиқни ривожлантириш агентлигига ариза нусхаси (иловаларсиз) **2022 йил 8 апрель соат 18.00 га** (Тошкент вақти билан) қадар тақдим этилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни 21-моддасига мувофиқ, бир босқичли тендерда битим тузиш ҳуқуқи бўйича қолибини аниқлаш учун талабгорларнинг тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати ва тасдиқланган лойиҳа концепцияси ҳақида Давлат экология қўмитасининг **eco.gov.uz** ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шериклиқни ривожлантириш агентлигининг **pppra.uz** расмий веб-сайтларидан ёки қуйидаги манзил бўйича кўрсатилган алоқа воситалари орқали ба-тафсил маълумот олишингиз мумкин.

100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдор шоҳқўчаси, 7-“А” уй.

Мурожаат учун телефонлар: 71-207-07-70 (1072#, 5003#), 99-016-17-56.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 348. 30 067 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълолар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг отказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиф — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.25 Тошпирилди — 23.55 1 2 3 4 5 6